

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 30 (10.335)

2005 ЙИЛ 14 ФЕВРАЛЬ

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР ТАРИФЛАРИНИНГ АСОССИЗ РАВИШДА ЎСИБ КЕТИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК ҲАМДА УЛАР УЧУН ЎЗ ВАҚТИДА ВА ТЎЛИҚ ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИНИШИ УЧУН ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш механизмини таъминлаштириш ва масъулиятини ошириш, тарифларнинг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик, шунингдек, коммунал тармоқлардан фойдаланиш, уларни техник жиҳатдан замонавийлаштириш ва қайта жиҳозлаш, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тарифлар ва уй-жай коммунал хўжалигини тартибга солиш бўлими ташкил этилсин.

Кўйилган комиссиянинг асосий вазифалари эътиборини қўйиб, коммунал хизматларнинг рақобат бозорини шакллантиришга, ушбу соҳада хусусий корхоналарни ривожлантириш-

га қўмаклашиш; коммунал хизматлар учун тарифларнинг асоссиз равишда ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида коммунал хизматлар қиймати ва улар учун тарифлар миқдорини белгилашда харажатлар таркибини йилнинг ҳар чорагида ҳудудлар бўйича таҳлил қилиб бориш;

ўрта ва паст босимли газ қувурларида табиий газ, тегишли коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан иссиқ сув ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришда улар исроф бўлишининг чекланган нормаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

тасдиқланган дастурга мувофиқ коммунал хизматларни яққа ва умумфойдаланиладиган тартибда ҳисобга олиш асбобларини ўрнатишни назорат қилиш ва улардан фойдаланишининг тизимли мониторингини олиб бориш;

ишлаб чиқариш ва коммунал хизматлар кўрсатиш жараёнида замонавий энергия тежайдиган технологияларни

тадбиқ қилиш ва назорат ўрнатишни ташкил этиш.

2. Белгилаб қўйилсинки: барча юридик шахслар — коммунал хизматлар истеъмолчилари истеъмол қилинган коммунал хизматлар учун календар ой тамом бўлгандан кейин 30 кун мобайнида тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт;

шартномада белгиланган муддатлардан ўтиб кетган ҳар бир кун учун юридик шахслардан муддати ўтказиб юборилган сумманинг 0,4 фоизи, аҳолидан эса 0,1 фоизи миқдориди, аммо 50 фоиздан ошмайдиган миқдорда, пеня қўшиб ундирилади. Олинган пеня суммалари коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун тўлиқ ва мақсадли фойдаланилади;

коммунал хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўламаган истеъмолчилар ўрнатилган тартибда ушбу манбалардан узиб қўйилади;

Давоми 2-бетда.

## XXI саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Республика Биржа марказида мамлакатда депозитарий фаолиятининг ўтган йил якунлари ҳамда 2005 йилдаги вазифаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Камолдин Бехзод номидаги музей ҳамда Фанлар академиясининг Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда «Навой, Бехзод, Бобур» мавзуда адабий-бадий кеча бўлиб ўтди.

● Андижон вилояти ҳокимлиги томонидан тиббиёт тизимига бешта «Дамас» автомашинаси ажратилди. Уларнинг иккитаси соғлиқни сақлаш бошқармаси, иккитаси Андижон Давлат тиббиёт институти ва биттаси санитария-эпидемиология назорати маркази ихтиёрига топширилди.

● Хонободдаги «Андижонкабель» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида йилига 25 турдаги 10 миллиард сўмдан ортқабел кабель маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Яқинда қўшма корхонада автомобиллар учун электр симлари ишлаб чиқариш тармоғи барпо этилиб, қўшимча 30 та ишчи ўрни яратилди.

● Бухоро вилоятида хорижий сармояларни жалб этиш борасида кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган йили вилоятга 29,1 миллиард сўмлик хориж сармояси жалб этилди ва бу кўрсаткич 2003 йилдагига нисбатан 4,1 баробар юқоридир.

### Жаҳонда

● АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд Ироқ ҳавфсизлик кучларининг тайёргарлик даражаси билан танишиш ва мамлакат кўмондонлиги билан музокаралар ўтказиш мақсадида Ироққа ташриф буюрди.

● НАТОга аъзо мамлакатлар мудофаа вазирлари томонидан Афғонистондаги тинчликпарвар кучлар сонини ошириш ҳақидаги таклиф маъқулланди.

● Руминия Президенти Траян Басеску бугун расмий ташриф билан Россияга келади. Унинг ҳар томонлама алоқаларини ривожлантириш мақсадида Россия Президенти Владимир Путин билан музокаралар ўтказиш кўзда тутилган.

● Жаҳонга машҳур IBM фирмасининг компьютер ҳавфсизлиги бошқармаси ахборотида қайд этилишича, яқин келажақда компьютер вируслари барча электрон қурилмаларга, уяли телефонлардан тортиб, автомобиль двигателларига ҳам ҳавф солиши мумкин.

### ПОЙТАХТИНИНГ Ойи Кўни

Янгиликлар, воқоалар

### Қўшма

● **БУГУН** Тошкент Давлат юридик институтида талабалар, ўқитувчилар иштирокида газал мулкчининг султони Алишер Навоийнинг ўзбек адабиётидаги ўрни масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **ЎТГАН** кунни Сергели туманида мактаблар ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари иштирокида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши томонидан ўюштирилган «Сиз кўнунги биласизми?» кўрик-танловининг финал босқичи ўтказилди.

● **ТОШКЕНТ** тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицейда ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Яққасарой туман Кенгаши томонидан буюк

мутафаккир Алишер Навоий ҳамда шоир ва саркарда Захриддин Муҳаммад Бобур ижодий меросига бағишлаб ўтказилган газалхонлик кечаси «Тафаккур сиймолари» деб номланди.

● **АКМАЛ** Икромов туманидаги «Ором» мактабгача тарбия муассасасида Тошкент шаҳар ва Акмал Икромов туман хотин-қизлар кўмиталари ҳамкорликларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижросига бағишлаб ўюштирилган йиғилишда туманининг фаол аёллари иштирок этишди.

● **«КАМОЛОТ»** ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши ташаббуси билан тумандаги ўқув муассасалари «Камолот» етакчилари олий ўқув юртли фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бўлишди.

Маҳсулотнинг рақобатбардош ва сифатли турларини ишлаб чиқариш, харидор дид ва талабидан келиб чиқиб эҳтиёжини қондириш бугунги бозор талаби. Шу боис ҳам тадбиркорлик асосида ташкил этилаётган қўшма корхоналарда ана шу талабга қўра иш юритилиб, импорт ўрнини босувчи ва экспорт-боп маҳсулотлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.


### Иқтисодиёт

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

Яқинда пойтахтимизда ўз фаолиятини бошлаган «Электрон-ҳисоблагич» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида ҳам жорий йилда 300 минг донадан зиёд электрон ҳисоблагичлар тайёрлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш кўзда тутилган.

Икки давлат — Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигининг ёрқин қўриқларидан бири ҳисобланган ушбу қўшма корхонада тайёрланадиган ҳисоблаш ускуналарида интерфайс ва микроинлар ўтказилгани боис ҳам энг янги рақамли технологиялар асосида энергия ҳисоблашнинг автоматлаштирилган тизимларидан фойдаланиш мумкин.

Корхонада электр энергиясини ҳисоблаш ва назорат қилишининг замонавий тизимларини ишлаб чиқаришни амалга ошириш билан бирга «Узстандарт» агентлиги билан ҳамкорликда қўшма корхонада бўйлигимиз, яъни электр энергиясини ҳисоблаш борасида электрон-асбобларини сертифи-



катлаш бўйича замонавий лаборатория ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Бу, албатта, истеъмолчи талабини қондиришда, маҳсулот сифатини янада оширишда муҳим ҳисса бўлиши, шубҳасиз.

Келгусида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот учун бутловчи қисмларнинг 50 фоизини ўзимизда тайёрлаш ҳам режаланган. Шунингдек, янги технологик линиялар ўрнатилиб, ишга туширилади. Қадрлар тайёрлаш масаласига ҳам ало-

ҳида эътибор қаратилиб, ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиси баробарида янги ишчи ўринлари ҳам яратилади.

**Дилноза СОДИҚОВА СУРАТДА:** қўшма корхона бош муҳандиси Бахтиёр Усмонов, директор ўринбосари Мирсаид Аъзамов ва метролог Абдулҳақ Зинатуллаев конвейердан чиқётган электр ҳисоблагичлар сифатини кўздан кечирмоқда.

Ҳақимжон Солихов олган сурат.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИКОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР ТАРИФЛАРИНИНГ АСОСИЗ  
РАВИШДА ЎСИБ КЕТИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК ҲАМДА  
УЛАР УЧУН ЎЗ ВАҚТИДА ВА ТЎЛИҚ ҲИСОБ-КИТОБ  
ҚИЛИНИШИ УЧУН ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ  
ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

газ ва сув тармоқларига ўзбошимчилик билан уланиб олган, электр энергияси, табиий газ, совуқ ва иссиқ сув, иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказган, шунингдек ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашушга йўл қўйган ҳолида бузувчилар қонунчиликка мувофиқ то жинойи жавобгарликка тортиладилар.

3. Белгилансинки, 2005 йил 1 июлдан бошлаб уй-жойлар ичидига сув ўтказгичлари, каналлизация, иссиқлик, электр тармоқлари ва қурилмаларга техник хизмат кўрсатиш харажатлари уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УМ-Ш)да жамланган уй-жой мулкдорларининг маблағлари ҳисобидан қопланади ва тегишли равишда совуқ сув, иссиқлик ва электр энергияси етказиб бериувчи корхоналарнинг харажатларига киритилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 26 февралдаги ПФ-3038-сон Фармонида мувофиқ уй-жой мулкдорлари ширкатларига берилган солиқ имтиёзлари уй-жой мулкдорлари ширкатларининг профессионал бошқарувчи компанияларига жорий этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергияси билан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сон қарорига мувофиқ 2005 йил 1 январдан бошлаб олинган коммунал хизматлар учун аҳоли томонидан ҳақ тўлаш истеъмолчиларнинг ихтиёрига кўра барча тижорат банки бўлимлари ва тўловларни қабул қилиш кассалари орқали чекловларсиз амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал хизматлар кўрсатиш корхоналарига улар томонидан кўрсатилган коммунал хизматлар, шу жумладан уй-

жойларнинг эксплуатация харажатлари учун аҳолидан нақд пул маблағларини кассаларни четлаб мустақил йиғиш тақиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Х.Тўхтаев Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги, «Ўзбекэнерго» ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда бошқа манфаатдор идоралар иштирокида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни пухта кўриб чиқсин ва икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда уй-жой мулкдорлари ва ундан фойдаланувчиларнинг коммунал хизматлар ҳақини, уй-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш харажатларини ўз вақтида тўлаш учун жавобгарлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилсин.

7. Уй-жой мулкдорлари ва ундан фойдаланувчилар тузилган шартномаларга мувофиқ, коммунал хизмат, уй-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш харажатларини тўлаш буйича Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексига ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларини кўпол равишда бузган ҳолларда шаҳар ва туманларнинг ҳокимликлари коммунал хизмат кўрсатувчилар ёки уй-жой мулкдорлари ширкатларининг тақдирномасига мувофиқ, тўланмаган қарзларни айбдор шахслардан белгиланган тартибда ундириб олиш тўғрисида фуқаролик судларига даъво аризалари киритсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, «Ергодезкадастр» Давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда бўш турган эгасиз уй-жойларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманларнинг

ҳокимликлари бўш ётган уй-жойларни уч ой муддатда хатлаб қўйсинлар.

Бўш ётган эгасиз уй-жойлар аниқланганида уларни белгиланган тартибда давлат мулкига ўтказиш учун судга мурожаат этиш мақсадида уларни ҳисобга олиб қўйиш таъминлансин; олти ойдан ортиқ коммунал хизматлар ва уй-жойдан фойдаланиш харажатлари учун ҳақи тўланмаган бўш ётган уй-жойлар аниқланган тақдирда қонунчиликка мувофиқ уй-жой мулкдорларининг муайян жавобгарлиги тўғрисида қарор қабул қилиш учун фуқаролик судларига даъво аризалари киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда суд органлари ушбу қарор ижроси буйича қабул қилган қарорларни суд ижрочилари томонидан ижро этиш тартиби тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

уй-жой коммунал соҳасидаги норматив-ҳуқуқий бошқариш аввало қонун ҳужжатлари билан амалга оширилишини назарда тулган ҳолда тегишли идоравий норматив ҳужжатларни танқидий қайта кўриб чиқсин ва уларни кескин қайта кўриб чиқсин ҳамда тартибга келтириш чораларини кўрсин;

амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тақдим этсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
И.КАРИМОВТошкент шаҳри,  
2005 йил 11 февраль.

«Жахон» ахборот агентлигиغا Лювен католик университети (Бельгия) профессори, Европа иттифоқи эксперти Роман Якемчукдан мақола келди. Муаллиф унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Махлис палаталари қўша мажлисида қўша маърузасида кўтарилган масалаларга ўз муносабатини билдирган. Қуйида мақола қисқартирилган кўринишда эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

ЎЗБЕК ХАЛҚИ МУНОСИБ  
КЕЛАЖАК ЯРАТИШГА  
ҚОДИР

эътиборга олиш керак. Ўзбекистон Президенти ўз маърузасида таъкидлаганидек, ҳамма ерда ва ҳаммиса қўласа бўладиган универсал моделнинг ўзи йўқ. Ўзбек халқининг ўзига хослиги унинг қадимий тарихи, анъаналари ва урф-одатлари, диний қарашлари билан боғлиқ.

Ўзбекистонда қонунчилик ҳокимиятини мустақамлаш билан бир қаторда, ушбу мамлакат ҳар қандай вазиятда тезкорлик билан қарорлар қабул қила оладиган ва уларни бажаришга қодир ижро ҳокимиятига ҳам муҳтожлигини эсдан чикармамаслик керак. Ижро ҳокимияти ҳалифат ўрнатишга интилаган диний фундаментализмга қарши қатъий курашмоғи лозим. Террорчилик хара-

катларини ҳеч қандай баҳона, ҳеч қандай сиёсий мақсад оқлай олмайди. Ижро ҳокимияти терроризмга қарши курашда бирлаштирувчи ва олдга чорловчи роль ўйнаши керак.

Бу эса демократиянинг қандай талаблар қўйишидан қатъи назар терроризмга қарши кураш биринчи даражали аҳамиятга эга эканини англатади. Терроризм хавфи Марказий Осиё учун Европага нисбатан анча юқори. Чунки Европада террорчилар бегуноҳ кишиларни қурбон қилаётган бўлса, Марказий Осиёда улар ўз олдида давлат тизимини тўнташишни мақсад қилиб олишган.


Ўзбекистоннинг Марказий Осиё умумий бозорини барпо этиш буйича кўтарган долзарб ташаббусига келсак, Европа

ҳамжамияти тажрибаси минтақавий ҳамкорлик мураккаб жараён экани, бунда давлатлар баъзи бир мақсадлардан воз кечишига тўғри келиши, уларни мураккаб танлов олдида қўйишини кўрсатганини таъкидламоқчиман.

Ўзбекистондаги аҳоли ўсиш кўрсаткичлари ижобий аҳамиятга эгаллиги билан бир қаторда маълум муаммоларни ҳам туғдиради. Ўзбекистон бозори ҳар йили минглаб ёш куч билан тўлмоқда. Ўзбекистон иқтисодиёти олдида янги ишчи ўринлари яратиш, янги корхоналар ташкил қилиш, мамлакат экспорт салоҳияти ва сайёҳлик бизнесини ривожлантиришдек ўта муҳим вазифалар турибди.

Мен келажакка катта ишонч билан боқаман. Бу ишонччи ўзбек миллатининг аjoyиб хислатлари оқламоқда. Ўзбеклар оқил ва меҳнатқаш, ҳоржликларга нисбатан доимо меҳмондўст. Шахмат буйича жаҳон чемпионилигини қўлга киритган Рустам Қосимжонов ўзбеклар катта интеллектуал салоҳиятга эгаллиги, фан ва юқори технологиялар соҳаларида улкан муваффақиятларга эриша олишини яна бир бор исботлади. Ўзбек халқининг муносиб келажак яратишга қодирлигига ишончим комил!

«Жахон» АА

Жаҳон ва маҳаллий  
ахборот воситалари  
хабарларидан

● Грузия президенти Михаил Саакашвили мамлакатнинг янги бош вазирини тасдиқлади. Бу лавозимга молия вазир Зураб Ногаиделия лойиқ қўрилди. Айни дамда Грузиянинг марҳум бош вазир Зураб Жваниянинг сири ўлими тафсилотларини экспертлар ўрганишмоқда.

● Мисрда Ариэль Шарон ва Махмуд Аббос ўртасида бўлиб ўтган учрашув чоғида икки томонлама зўравонликларни тўхтатиш тўғрисида ўзаро келишувга эришилди. Исроил ва Фаластин етакчилари тўрт йиллик муддатга тинчлик битимини имзоладилар. Бирок, Фаластиннинг «ХАМАС» ва «Ислом жиҳоди» ҳарбийлашган қуроли гуруҳлари ушбу келишувни тан олмасликларини билдирди.

● Расмий Пхеньян ядровий тадқиқотларни тўхтатиш борасида ўтказилган кўп томонлама музокарадан иштирок этмаслигини билдирди. Шимолий Корея Ташқи ишлар вазирлиги баёнотида айтилишича, шу пайтгача ўтказилаётган музокарадан ҳеч бир натижага эришилмаган. Шундай қилиб, Пхеньян биринчи бор Шимолий Корея атом бомбасига эга давлат эканлигини ошқора эълон қилди.

● Франция Миллий ассамблеяси депутатлари мамлакатда ҳафталик иш соати кўпайтириш борасидаги қонунни кўпчилик овоз билан тасдиқладилар. Айни пайтда ҳафталик иш соати 35 соатни ташкил қилади. Янги қонун лойиҳасига кўра, хусусий секторда ҳафталик иш вақтини 48 соатгача чўзиш мумкин. Франция ҳукумати мартга қадар мазкур қонунни Сенат тасдиқлашини таҳмин қилмоқда. Бирок, оммавий сўровнома натижаларига кўра, аҳолининг 69 фоизи бунга қарши.

● Эстония ташқи ишлар вазир Кристияна Оюланд истеъфога чиқиш арасида. Ҳукумат раҳбари Юхан Партснинг мамлакат президенти Арнольд Руйтсига махсус сўровнома билан мурожаатидан кейин, уни эгаллаб турган вазифасидан кетиши таъкидланган. Яқиндагина ташқи ишлар вазирлигида ўтказилган давлат сирни текшируви натижасида вазирликдан 91 та ҳужжат йўқолганлиги маълум бўлди.

● Анголанинг Лубанго шаҳрида бўлиб ўтган қарнавалда фожеа юз берди. Катта тезликда келаётган юк машинаси бошқарувни йўқотиб, қарнавал қатнашчилари устидан қорб ўтган. Оқибатда 50 га яқин одам ҳалок бўлган. Фожеадан жунбушга келган оломон, галаён кўтариб, бир нечта биноларни вайрон қилишга уринишган. Полициянинг газли қуролидан берган зарбаларидан сўнг оломон тарқаган.

## Бугун — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топан кун

Умаршайх Мирзо ҳам фарзанди аржумани Бобур Мирзонинг чинакам теурий баҳодир бўлиб вояга етиши учун мурғаклигидан етук муаллим-устозлар меҳнатидан фойдалангани, шубҳасиз. Бобур Мирзо ёшлигиданқ бўлажак тахт соҳиби сифатида чавандозлик, қилиббозлик, ақкама-ақка олишув, кураш, найзабозлик сингари шахзода учун қарзу фарз фазилатларни пухта ўрганган.

Навий "Фарҳод ва Ширин" достонида Фарҳодни таърифлаб:

**Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,  
Билиб таҳқиини касб этмаган илм.  
Булб ул ёшқа умрининг мурури,  
Йигирма ёшқа қадду жисму зўри.  
Улум авроқи чун бир-бир ёпилди,  
Диловарлик силоҳи майл қилди.**

"Илм варақлари бирин-бирин ёпилгач, диловарлик — ботирлик яроғига майл қилди (ҳарбий санъатларни эгаллашга киришди)", деб ёзади.

Навий талқинидаги Фарҳод — комил инсон тимсоли. Бинобарин, теурий шахзодалар, жумладан, Бобур Мирзо ҳам ҳар жиҳатдан комил бўлиб, вояга етишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Навий давлат арбоби сифатида шахзодаларни тарбиялашда ўзи ҳам бевосита иштирок этган. Шахзодаларнинг ҳар жиҳатдан баркамол шахслар бўлиб вояга етишларида, маълум маънода, ҳиссаи бўлган.

Бинобарин, Навий ҳазратлари ўз достони қаҳрамони Фарҳодга нисбатан айтган бу таъбир-таърифни навқирон Бобур Мирзога нисбатан ҳам қўлашимиз табиий. Отаси Умаршайх Мирзонинг фожиали ўлиמידан сўнг, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўн икки ёшда тахтга ўтиради. Ёш соҳиби тахт аввалбошдан ўзига нисбатан ўта талабчан бўлганига "Бобурнома"ни варақлаш асносида ҳам ишонч ҳосил қиламиз.

Теурийлар салтанатининг емирилиши, Шайбонийхон тарафдорларининг қўли баланг келиши натижаида, энг муҳими, теурий шахзодаларнинг худбинлик билан ўзаро боши бирикмаслиги сабабли Бобурнинг соҳибқирон бобосидан қолган тахтни теурийлар қўлида сақлаб қолиш йўлидаги уринишлари самара бермайди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Шайбонийхон лашкарларининг таъқибидан қочиб, жуда кўп машаққатларни бошдан кемиради.

"Бобурнома"ни варақлар эканмиз, Бобур Мирзо темирдай метин ирода соҳиби бўлиши баробарида жисмонан бакуват, росмана чинқикан баҳодир паҳлавон бўлганига ишонч ҳосил қиламиз. Бинобарин, "Бобурнома"да муаллиф ҳатто кўш чилласида ҳам тал тортмай совуқ сувга тушиб, "ғул қилгани", яъни чўмилгани хусусида шундай деб ёзади:

**"Ушбу киш ўртасида Шайбонийхон Хўжанд суйини муз била кечиб,  
Шохруҳия ва Лискент навоҳисини чопти.  
Хабар келгач, кишимизнинг озлиҳисига боқмай чопа отландук.  
Хўжанднинг куйиғи кентлари Хаштияк тўғриси била мутаважжиҳ**

бўлдук. Маҳкам зарб совуқ эди. Бу навоҳида Ходаровеш ели ўқмасас, ҳаммиша тунд қўлар. Ул мартабада совуқ эдиким, ушул икки-уч кунда икки-уч киши бу орада совуқнинг шиддатидин ўлуб эди. Манга ғулс эҳтиж эди. Бир ариқ суйидаким ёқалари муз тўнғуб эди, ўртаси сувнинг тезлиғи жиҳатидин ях боғламайдур эди, бу сувга кириб ғулс қилдим. Ўн олти қатла сувга чўмдум. Сувнинг совуқлиғи хейли таъсир қилди"

"Бобурнома"да бу воқеаларни тасвирлаган кезларида Бобур Мирзо атиги 18-19 ёшли, ҳатто йигирмага ҳам тўлмаган навраста йигит бўлган. Мийқилари эндигина сабза бўлганидан қатъи назар қаҳратон қишда четларини муз қолган, ўрта қисми тез оқаётгани учунгина музамаган ариқ сувиди чўмилгани камдай унга ўн олти марта шўнғиганининг ўзиёқ Бобур Мирзонинг

бек эди... ўзга тамом ўбдон-ўбдон йигитлар ва беклар отонгонлар отларидан тўшмай, тайёр тепилган ва босилгон йўлга кириб, бошларини куйи солиб келурлар эди. Маҳал ул эмас эдиким, кишига тақлиф ва зўре қилилғай, ҳар кимнинг ҳиммат қа журъати бўлса, бундок ишларни ўзи тилаб қилур"

Довондан мана шундай машаққатлар билан ошш асносида ҳатто қалин қор устида тунашга тўғри келади. Бу борада ҳам Бобур Мирзо ақсабият ўзига содиқ йигитлар — навқарлар билан имкон борича ёнма-ён бўлишга, уларни ўзининг қатъияти, жасорати, "ҳиммат ва журъати" билан қўллаб-қувватлашга, уларга ибрат, намуна бўлишга интилади.

Қиш кўни қисқа бўлгани учун тез кеч тушади. "Кўп эл от устида ўқ-тонг отурди, ҳавол торроқ кўринди. Мен ҳаволнинг оғзида курак олиб, қор кураб, ўзимга бир тақя микдорни ер ясадим, қорни кўксимгача қоздим, ҳануз ерга етмайдур эди. Бир нима елга панча бўлди, ўшанда-ўқ ўлтурдим. Ҳар неча дедиларким, ҳаволга боринг бормадим. Кўнғулга кечтиким, борча эл қорда ва чопқунда мен иссиқ уйда ва истироҳат била, мунда борча улус ташвиш била машаққатта, мен мунда уяқу била фароғатда.

Муруваттинг йироқ ва ҳамжиҳатлигин кироқ ишдур. ... Ўшандок чопқунда қозгон, ясагон чукурда ўлтурдим, намози хуфтонгача қор онча чопқулаб ёғдиким, мен энгашиб ўлтуруб эдим, орқамга ва бошимга ва кулоқларимнинг устига тўрт энлик қор бор эди.

1526 йил декабрда Бобурга қарши суиқасд уюштирилади. Махв этилган Иброҳим Лўдунинг онаси ошпазлар билан тил бириктириб, унинг овқатига заҳар қўштиради. Бу суиқасд "Бобурнома"да батафсил баён қилинган. Заҳарланган таомларни билмасдан еган Бобур оқибатда жуда қўйналади. Бир ўлиб-тирилади. Унинг ўзи бу борада шундай ёзади:

**"Тенгри менга бошдин қор берди. Ул дунёдин келадурмен, онадин эмди тугдум. Мен хаста ўлуб эдим, тирилдим. Жон қадрини, биллоҳ, эмди билдим...**

**Жон мунча азиз нима эмиш, мунча билмас эдим, ул мисраъ борким:**

**Ким ўлар ҳолатқа етса, ул билур**

**жон қадрини".** Бобур Мирзонинг чинқиканлиғи, жисмоний бакуватлиғи ҳатто заҳар кучини енгишида ҳам қўл келди.

Бобур Мирзо ҳаёти ва фаолияти билан танишар эканмиз, саломатлиқини ёшлиқдан чинқикитиб бориш, спорт билан мунтазам шуғулланиш оғир синовлардан голибона ўтишда беназир аҳамиятга эга эканига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз.

**Ақром АКМАЛОВ,  
Республика "Маънавият ва маърифат" марказининг бўлим мудирини,**

**Абдуҳамид ПАРДАЕВ,  
марказ бош мутахассисини.**

## РУҲИЙ ВА ЖИСМОНИЙ КОМИЛЛИК ТИМСОЛИ

Ҳиндистонда улкан бобурийлар салтанатига асос солган Заҳириддин Муҳаммад Бобур наинки салоҳиятли сиёсатчи, лашкарбоши, ҳукмдор, балки олим ва шоир сифатида ҳам шухрат қозонган. Теурийлардан бўлган Бобур Мирзо — исми жисмига мос сиймо. Зеро, Бобур сўзининг арабча маъноси "Шер, арслон, йўлбарс"дир. Теурийлар даврида шахзодалар жисмонан, маънан ва руҳан тарбияланган. Хусусан, Улуғбек Мирзога уч ёшидан эътиборан Қозизода Румий устозлик қилган.

саломатлиғи нақадар мустаҳкамлиғи, ўз даврининг мана-ман деган баҳодирини бўлганидан далолат беради. Бинобарин, ақлини танганидан эътиборан нафақат ақлий, руҳий камолот сари, балки жисмонан ҳам бардам-бакуват бўлиш учун ҳаётининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдалана билган.

"Бобурнома"нинг 1506-1507 йиллар воқеалари ҳикоя қилинган бўлими билан танишиш асносида ҳам Мирзо Бобурнинг нақадар иродаси мустаҳкам шахс бўлиш баробарида энг машаққатли, оғир палларда навқарлари билан елкама-елка турганига имон келтирадим.

Ҳисор тоғлари устидан ўтган довлар орқали Кобулга айна киш чилласида йўл солинади. Ўта кўп қор ёғиши оқибатида йўлбўловчи ҳатто довлардан ошиб ўтиладиган йўлни йўқотиб қўйди. Қалин қор қолган довлардан ошиб ўтиш машаққатларини муаллиф шундай баён қилди:

**"Ул кеча чун бисёр ташвишлар ва машаққатлар тортулди, андоқким, муттагул-умр мунча машаққат камроқ тортулди эди. Бу матлаъи ўшал фурсатда айтлди:**

**Чархинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдим,  
Хаста кўнғулм чекмаган дарду балоси қолдиму?..  
Бир ҳафтага ёвуқ қор тепиб, кунда бир шарпий-бир шарпийдин ортуқ тепилмас эди. Қор тепар киши мен эдим, ўн-ўн беш ички била ва Қосим-**

### Заҳириддин Муҳаммад Бобур

## ҲАЗАЛЛАР

**Не вафо умрунда ул жону жаҳондин кўрмаген,  
Ким вафо жондин кўрубдурким, мен ондин кўрмаген?!**

**Кўз йўлидин ул пари хуснин назар айлар эдим,  
Кон ёшим ул йўлни тутти, энди ондин кўрмаген?!**

**Ё раб, ул кун шум толеъдин манга бўлғаймуким,  
Жонима ором ул оромжондин кўрмаген?**

**Кўз кўрар, лекин солур мени балоға бу кўнгул,  
Бу балони неча чаши хунфишондин кўрмаген.**

**Бартараф қилгил вафо истарни элдин, Бобуро,  
Ул ғалатдурким вафо аҳли жаҳондин кўрмаген.**

**Неча хусн аҳлидин, маҳзун кўнгул, озор топқайсен?  
Неча гулчехралардан багринг ичра хор топқайсен?**

**Неча ишқу фиरोку раҳмсиз агёр илгидин,  
Ўзунгни хору жонни зору кўз хунбор топқайсен?**

**Неча мақдур боринча анинг ройича борғайсен?  
Неча боргон сойи ўзунгни бемикдор топқайсен?**

**Танимга нечаким наззора қилсанг доғ кўргайсен,  
Кўнгулда ҳар нечаким истасанг озор топқайсен.**

**Бу махвашларға кўнғулгун бермағилким, асрай олмаслар,  
Кўнғулни асрағил, бўлғайки, бир дилдор топқайсен.**

Бобур Мирзо Умар Шайх Мирзонинг катта ўғли бўлиб, ота томондан Амир Темурга бориб такалади. У 1483 йил февраль ойида Андижонда туғилган. Ёшлигиданқ отаси саройида ҳам маънавий, ҳам ҳарбий таълимни чуқур ўзлаштиради. Отаси вафотидан сўнг 12 ёшли Бобур Фарғона улусининг ҳукмронли сифатида тахтга ўтиради. Мовароуннаҳрда кучли марказлашган давлат барпо этиш, Темур давлатини қайта тиклаш Бобурнинг асосий нияти ва ҳаракати эди. Шайбонийхон билан уруш натижасида Самарқандга уч марта юриш қилиб, уни ўз давлатига киритади ва Темур тахтининг ҳақиқий соҳиби деб эълон қилнади. Лекин Бобур Мирзонинг Самарқанддаги ҳукмронлиғи узоққа чўзилмади. Шайбонийхон ўртасидаги кучлар нисбатидан ачина тортув бор эди. Маъжуд вазият тақозосига кўра, Бобур Бадахшон ва Ҳиндистонга юрмоқлиқни лозим топади. Ҳиндистонга 5 марта юриш қилади. Бешинчи юришида, яъни 1526 йилда тарихда машҳур жанг — Панипат жанги бўлади. 100 минглик аскар ва мингга яқин филлари билан қуролланган душман билан Бобурнинг 12 мингга яқин аскарлари ўртасида қаҳшатқич жанг бўлиб ўтади ва у Бобур ғалабаси билан тугайди. Бундан Бо-

бурнинг етук саркарда эканлиғи яққол кўришиб туради.

Ҳиндистонни забт этган буюк саркарда, олим ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур у ерда Бобурийлар империясига асос

## АСАРЛАРИ ЖАҲОН АДАБИЁТИДА ЎЗ ЎРНИГА ЭГА

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз замонасининг истеъдодли давлат арбоби, етук саркарда, шоир, иқтидорли адиб, адабиёт ва санъатнинг қадрини улугловчи ҳамда илму фан равнақи учун қайғурган буюк донишманд аллома сифатида дунёга танилди.

солади ва бу империя 300 йилдан ортиқроқ ҳукмрон бўлади.

Бобурнинг буюклиғи яна шундаки, у қай бир ерни забт этса унда ер аҳолиси урф-одатларини, эътиқодини ҳурмат қилар эди. Бобур ҳақида гапирар эканмиз, уни диний ҳақолат (мутаассибликдан ҳоли ҳукмдор бўлганлиғи ва ҳиндларнинг миллий расм-русумларини барбод қилмаганлиғи алоҳида таъкидлаш мумкин. У мамлакатда бунёдкорлик ишларини жадаллаштириб юборди, қўллаб масжид ва мадрасалар, кўприклар барпо қилдиради.

Бобур Ҳиндистонда йирик сал-

танат барпо этиб, буюк ҳукмдор шох даражасига кўтарилган бўлсада, бироқ у ўз ватанин эсдан чиқармади. У ватанини орзиқатиб кўмсайди, унга янада муҳаббат ортди. Шунга таъкидлаш керакки,

Бобурнинг ҳозирги ёшларга ибратли қирралари ниҳоятда кўп, Бобур ижодини, унинг илмий меросини ёшларга етказиш лозим.

Бобурнинг мероси хилма-хилдир. Унинг «Бобурнома», Шерлар девони», «Мубайён», «Мухтасар» каби асарлари дунё адабиётида ўз ўрнига эга. Дунёга машҳур «Тож Маҳал» ансамбли ҳам айнан Бобурийлар даврида қурилган бўлиб, ҳозирги кунда жаҳон мўъжизасига айланган.

Теурийлар тарихи Давлат музейимизда Теурийзодалар ҳақида экспозиция мавжуд бўлиб, унда Ф.Саидалиева қалами мансуб ниҳоятда нафис ишланган Мирзо Бобур портрети, дунёнинг етти мўъжизасидан бири бўлиши «Тож Маҳал» ансамбли манунаси, XIV-XV асарларидан мусиқа чолғу асбоблари ва бир қанча экспонатлар мавжуд. Музейга ташриф буюрганлар Теурий шахзодаларга оид қўллаб-қувватлашдан баҳраманд бўлишлари мумкин.

**Азизжон ШАРИПОВ,  
Теурийлар тарихи Давлат музейи илмий ходими.**

Жамиятда осойишталикни сақлаш, юрт фаровонлиги йўлида олиб бориладиган хайрли ишларнинг самарали бўлишида бошқа соҳа вакиллари билан бир қаторда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Уларни доимо ўз шарафли ва масъулиятли хизмат вазифаларини ўтаётганларини кўриш мумкин. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг «Жиноятчиликка қарши курашда Ички ишлар вазирлиги профилактика хизматининг ролинни ошириш тўғрисида»ги қарори бу тизим ишининг янада такомиллашувида муҳим омил бўлди.

Тинчлик-осойишталик посбони бўлган профилактика инспекторлари бугунги кунда Республикамининг ҳар бир маҳалласида муваффақият билан иш олиб бормоқда. Улар ишининг самардорлигини янада ошириш, сермашаққат, айна вақтда шарафли меҳнатини муносиб тақдирлаш мақсадида қатор танловлар ўтказилиб келинмоқда. Биз яқиндагина поёнига етган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловда ғолибликни қўлга киритиб, «Дамас» автомашинаси билан тақдирланган «Эски шаҳар» маҳалласидаги 190-милиция таянч пункти катта профилактика инспектори, майор Олим ака МИРЗАБОВЕВ билан мулоқотда бўлдик.

**Осойишталикнинг посбонлари**

**ҲАМКОРЛИҚДА ГАП КЎП**

— Мақсад, вазифамиз эл осойишталиги, юрт ободлигига ҳисса қўшиш, жиноятларнинг олдини олиш, вояга етмаган ёшлар билан мунтазам иш олиб бориш каби қатор юмушлардан иборат, — дея сўз бошлади суҳбатдошимиз. — Эски шаҳар маҳалласида, яъни биз хизмат кўрсатадиган ҳудудда 5.596 нафар фуқаро истиқомат қилади. Шулардан 1.900 нафари вояга етмаган ўсмирлардир. Улар билан ҳамкасбларим капитан, профилактика инспектори Дилшод Мирзаамедов, катта лейтенант, профилактика инспектори Анвар Алиев, лейтенант, профилактика инспектори Нодир Шо-

фойдаланишга топширилди. Албатта маҳалла идорасининг биз билан бир бинода жойлашгани катта аҳамиятга эга бўлди. Яъни, бугунги кунда маҳалла оқсоқоли Мухиддин Зайниддинов, маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси, маҳалла посбонлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар билан ҳамкорликда иш олиб бораётганимиз ўзининг ижобий натижасини бермоқда. — Танловда ғолиб бўлишни ўйлаганимизми? Эки бу сизга қутилмаган совға бўлдими? — Совға бўлди, десам ишонаверинг. Чунки йил давомида сафдошлар билан ўз

қолган инсонни тўғри йўлга солиб юбориш каби хайрли ишларимизнинг натижасини кўриш жуда кишига ёқали, кўнгил кўтарилди. Мисол, 10-синф ўқувчиси Элмурод Назаровнинг жиноят кўчасига киришига озгина қолгани, мунтазам олиб бorgan ҳаракатимиз оқибатида у соғлом турмуш тарзига қайтди. Спортга меҳр қўйиб, бокс бўйича мусобақаларда қатнашиб муносиб ўринларни эгаллади. Бундан ташқари бағрикенглик билан Президентимиз томонидан эълон қилинган Амнистия тўғрисида оиласи бағрига қайтган фуқароларнинг паспортини олиши, рўйхатдан ўтказиш, ишга жойлаштириш, оиласини тиклаши учун ҳам ҳаракат қиламиз. Масалан, яқинда автотўйли озодликка чиққан Рифқат Мажидовнинг барча ҳужжатлари тўғрисида ишга жой-



вазифамизни виждонан бажаришга ҳаракат қилдик, холос. 2004 йилда ўтган йилга нисбатан жиноятларнинг кескин камайгани, вояга етмаган ёшлар билан ўтказилаётган машгулотлар, маҳалла билан яхши ҳамкорлик, кўрсаткичларимизнинг, ходимларимиз билим савиясининг юқорилиги муваффақиятимизга замин бўлган бўлса ажаб эмас. Бундан ташқари маҳалладаги ҳар бир ноқолиб оилалар, ичиб келиб жанжал кўтарадиган оталар, мактабга келмай юрган ўсмирлар билан ҳам маҳалла оқсоқоли ҳамроҳлигида уйларига бориб хабар оламиз, оилавий шароитини ўрганиб, лозим бўлса қийналган оилаларга моддий ёрдам кўрсатамиз. Пароқанда бўлиш остонасида турган оилани сақлаб қолиш, қилиб-билмай жиноятга қўл ураётган ўсмирни бу йўлдан қайтариш, ичкиликдан бош кўтармай

лашгунча инспекторларимиз бирга юришиди, маҳалла томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳозир у меҳнат қилиб, оиласини тиклаб, тинчгина ҳаёт кечирмоқда. Бундай мисолларни қўплаб келтиришимиз мумкин. Айни вақтда айтиб ўтиш лозимки, ўз маҳалласининг, ўз Ватанининг тинчлигини муқаддас билган фуқаролар ва маҳалла посбонлари ҳам бизга яқиндан ёрдам беролмайдилар. Ҳамкорликда, хайрли мақсад йўлида олиб борилган юмушларнинг унумли бўлиши ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Биз ҳам осойишталик посбонлари ишларига унум, ўзларига соғлиқ-саломатлик тилаб қоламиз.

**Шоира МУХАМЕДОВА**  
**СУРАТДА: 190-милиция таянч пункти ходимлари кўрик-танловда ўз мукофотлари — «Дамас» автомашинаси қабул қилиб олмоқдалар.**

**Тоҳир Нигматуллин**  
олган сурат.

— Фуқаролик давлат билан жисмоний шахс ўртасидаги барқарор ҳуқуқий алоқа бўлиб, улар олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиқади. Юридик маънодаги фуқаролик шахсининг мазкур давлатга тааллуқлилигини билдиради. Жумладан, фуқаронинг қарерда бўлишидан қатъи назар, паспорт мазкур давлат унинг ҳомийси ва ҳимоячиси эканлигини тасдиқлайди. Шунинг учун паспорт ниҳоятда муҳим ҳужжатдир. Паспортда эгасининг яшаш жойи қайд этилган бўлиши шарт. Биз шахримиз ва туманимиз осойишталигини таъминлаш мақсадида ҳар ойда бир неча марта текшириш ишларини олиб бормоқдамиз. Текшириш жараёнида шубҳали шахсларга маъмурий чора курилади. Паспортларни таъбир жоиз бўлса, шаҳар дарвозасига ўхшатгим келади. Бу дарвоза

**ҲАММАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ**

Маълумки, ҳар бир фуқаро ўз турар жойидаги паспорт бўлимида қайддан ўтиши зарур. Ҳозирги шароитда паспорт бўлимининг фаолияти дораб вазифага айланди. Мазкур амалиёт қону, зарарлик, олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Биз Сергели туман Ички ишлар бўлимининг бошлиги ўринбосари, милиция подполковниги Беғали АБДУФАНИЕВнинг шу хусусдаги фикри билан кизиқдик.

Ҳар бир фуқаронинг хатти-ҳаракати фуқаролик ҳуқуқига эришган шахсларнинг ўзидан катта масъулиятни талаб қилади. Ҳуқуқий маданиятни бўлиш улар учун бурч саналади.

Ҳар бир фуқаронинг хатти-ҳаракати фуқаролик ҳуқуқига эришган шахсларнинг ўзидан катта масъулиятни талаб қилади. Ҳуқуқий маданиятни бўлиш улар учун бурч саналади.

Паспорт бўлимига ҳар кун миңлаб одамлар ўз юмуши билан келиб, кетади. Уларнинг му- уйимизни, ўз юртимизнинг тинчлигини сақлаш шу юрт фуқароси бўлган ҳар биримизга боғлиқ эканлигини англаб, қонунбузарлик, жиноятларнинг олдини олишга ўз ҳиссаларини қўшишга.

Паспорт бўлимига бир юмуш билан келиб келган ҳамшахримиз суҳбатимизга қўшилди. — Сергели туманида истиқомат қилаётганимизга ҳам 25 йилдан ошди, — дейди у ўзини Ботир Шукуров дея таништирар экан, — лекин ёнимиздаги қўшимиз ким, у нима қилаётганлиги, нима юмуш билан банд эканлигини оғоҳ эмасмиз. Натижада, нопок тўдаларга қўшилганлар бизнинг тумандан ҳам чиқиб қолди. Шунинг учун ҳаммиша оғоҳ бўлишимиз лозимлигини тушуниб етдик ва ўз уйимизни, тинчлигимизни сақлашга ҳисса қўшишга киришдик.

**Турсунтош ЖАБОРОВА**

**Инсон ва қонун**



**СУРАТЛАРДА:** Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси тезкор навбатчилик қисмининг бир гуруҳ ходимлари навбатдаги тадбир олдидан маслаҳатлашишмоқда; иш жараёнидан лавҳа.

Ҳакимжон Солихов олган суратлар.

**Ўққ қондаси — чир фойдаси**

**КЎНГИЛСИЗ ҲОДИСАЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК**

Ниҳоят киши таътиллар тугаб, ўқувчилар жонажон даргоҳларига қайтдилар. Маълумки, мактабларда йўл ҳаракати қондалари фан сифатида ўқитилаётгани, Тошкент шаҳар йўл-ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган турли тадбирлар амалга оширилиб, тарғибот ишлари қўчайтирилганлиги сабабли 2003 йилга қараганда болалар иштирокидаги йўл транспорти ҳодисаларининг умумий сони 27 тага, ҳалок бўлганлар 3 тага, тан жароҳати олганлар 31 тага камайган.

ЙХХБ ходимлари бу ҳолатни янада яхшилаш мақсадида янги 2005 йилда кенг қўланил вазифаларни амалга оширишга бел болаганлар.

Шуни таъкидлаш зарурки, болалар иштирокида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларида асосан гўдаклар, ўсмирлар тан жароҳати олмақдалар, ҳаётдан бевақф кўз юммоқдалар. Утган йили рўй берган автохалокатларнинг 208 тасида 1-7 ёшли болалар жабрланиб унинг оқибатида 202 та бола жароҳатланган ва 12 та бола ҳаётдан қўз юмган.

Болалар иштирокида рўй бераётган ЙТХ қўлами асосан куннинг биринчи ярмида, яъни дарсларнинг бошланиши ва тугалланаётган вақтларда, шунингдек кечки соатларда содир бўлади. Бу халқ таълими бўлими, туманлардаги мактабларда профилактика ишларига етарли аҳамият берилмаётганлигидан ҳамда ота-оналар ўз болаларининг мактабдан ташқари бўш вақтларида нима билан шуғулланишлари ва қарларда ўйнаб юришларини

назорат қилмаслигидан далолат беради. Шаҳар ИИББ ЙХХ бошқармаси ходимларини бугунги кунда жуда ташвишга солаётган муаммолардан бири шуки, кейинги вақтларда мактаб ўқувчилари томонидан ота-оналарнинг автомашиналарини ҳайдаб йўл-транспорт ҳодисаларини содир этаётганлигидир. Ота-онасининг автоуловини бошқарган мактаб ўқувчилари томонидан 2004 йилнинг 12 ой мубайнида 8 та ЙТХ содир этилиб 11 та фуқаро турли кўринишдаги тан жароҳати олиб касалхоналарга ётқизилган.

Масалан, 2004 йил 14 январь кuni Шайхонтоҳур туманида соат 07.50да Ибн Сино-1 мавзеси, 197-болалар бoғчаси қаршида 1990 йилда туғилган 262-мактабнинг 7-синф ўқувчиси, ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган Жасур Темиров отасига тегишли бўлган ВА3-21061 русумли, давлат рақами 10/R 2263 бўлган автоуловни бошқариб кетаётиб, пиеда — 1995 йилда туғилган, 262-мактабнинг 2-синф ўқувчиси Дилноза Таджиевани уриб юборган.

2004 йил 3 июнь кuni 1991 йилда туғилган 280-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Нуриддин Гаппаров отасига тегишли бўлган ДАМАС ру-

**Милозага**

**ВАТАН ТУПРОФИ МУҚАДДАС**

Фарзанд — жон риштаси, бебаҳо дуру гавҳар, ҳаёт давомчиси. Дил-дилмизга пайванд, орзу-умидлар сарчашмаси бўлган фарзандларнинг қамоли, порлок истиқболи учун елиб-югурамиз, гўёки эсаётган шамолни ҳам раво кўрмай қўз қорачиқдек авайлаб воғга етказамиз. Кексаганда белимга мадор, кўзларимга нур бўлади деб умид қиламиз.

Бола азиз, одоби эса ундан азиз деб бежиз айтилмайди. Бир вақт автобусга тарақа-туруқ қилиб урилиб тошлар ёғилди, ёш-ёш йигитчалар автобус ойналарига сакраб қўл билан уриб, жуда хунук сўзлар билан сўкина бошлашди. Йўлни кузатиб кетар эканман, ойналари синдилар, шаънини кўтариш, қўллаб-қувватлаш ҳар бир ватанпарвар инсоннинг виждоний бурчи. Айниқса ёшларнинг бу борадаги босаётган ҳар бир қадами кишини хурсанд қилади. Яқинда ишдан уйга қайтаётиб соат 18.00 лар атрофида 91-автобусга чиқдим. Бу вақтда Пахтакор стадиониди бўлиб ўтган футбол тугаган, кўчаларни тўлдириб ишчи-болалар, аксарияти ёш-ёш ўспирин йигитчалар уйларига қайтишгаётган экан. Бу даражада муҳлисларнинг кўп бўлиши, стадионни тўлдириб ўз жамоасини қўллаши, руҳини кўтариши албатта жуда яхши. Стадион узра хайкириқларни эшитганда, футбол ишқибозларининг фахат галабини кутаётганларини тушуниб кўнгида гулур ҳам пайдо бўлади. Яна такрор айтаман, бу албатта ижобий ҳол.

Лекин масаланинг яна бир томони, ўйин тугагандан кейинги ҳолат эса бутунлай бошқа. Бу кишини ўйлатади, тарбияда оқсамаямизми, деган оғрикли саволга рўпара қилади. Нега дейсизми, унда эшитинг.

Юқориди таъкидлаганимиздек, 91-автобусда қайтаётган эдик, автобус шунчалар секин

кетаяпти, одамлар оқимини четлаб ўтишини иложи йўқ. Бир вақт автобусга тарақа-туруқ қилиб урилиб тошлар ёғилди, давлатимиз томонидан бу борани катта ишлар қилинапти. Нега шу юрт фарзанди бўлган ҳар бир инсон бундан ўзига ҳулоса чиқариб олмади?

Нега ҳар бир ота-она ўз фарзандига, ўғил-қизига жомоат жойларида ўзини қандай тутиш, жамийи дунёвий неъматлар, жонли-жонсиз мавжудотлар ўзимизники, Ватанининг ҳар бир қарич ерининг муқаддаслиги, инсон эса олам сарвари эканлигини тушунирга олмади, шунга ҳаракат қилмайди. Ахир эркин ва фаровон, озод ва обод Ватан равнақи эртага улар қўлида бўлади.

Уйлаймизми, яхшилик, эзгулик сари интилиш, илм-маърифатли, маданиятли бўлиш ҳақида таълими-тарбия беришдан асло чарчамаслигимиз керак. Юксак инсонийлик фазилатлари, (у қанчалар баландларвоз эшитилмасин) фарзандларимиз онгига туғилгандан бошлаб, оилада, бoғчада, мактабда ва олий ўқув юртида ислохотлар олиб бориладиган бўлиши, ундан ўзимиз фойдаланамизку.

Афсуски, бундай нохуш ҳодисалар, кўнгилсизликлар оз бўлсада учраб туради. Уни содир этаётганлар эса, ўзимизнинг фарзандларимиз, кипригига гард кўндирмай воғга етказаятган жигаргўшаларимиз. Нега бундай бўляпти?

**Анжуманлар**

**ЁШЛАР ВА ҚОНУН**

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультетида бўлиб ўтган «Маънавият кuni» «Ёшлар ва қонун» мавзусига бағишланди.

Ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот маркази бошлиги, адлия маслаҳатчиси С.Артиқова, тергов бошқармаси бўлим бошлиги, адлия катта маслаҳатчиси Б.Ахунов ҳамда профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок эди.

Тадбир давомида қизгин савол-жавоблар бўлди.

Йиғилишда прокуратура идораларида мамлакат Конституцияси ва қонун ҳужжатлари асосида фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилиш, давлатимиз қудратини мустаҳкамлаш ҳамда халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини таъминлаш борасида катта ишлар олиб борилаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

— Факультетимиз томонидан уюштирилаётган тадбирлардан асосий мақсад талаба-ёшларимизнинг маънавий, ҳуқуқий ва сиёсий онгига юксалтириш, кучли таълим олишлари йўлида назарий билимларини амалиёт билан бойитиб боришдан иборат — дейди университетнинг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича декан ўринбосари Сафарали Миралиев.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонимизнинг барча олий ўқув юртиларида тайёрланаётган мутахассисларни фақат касб-кори нуқтаи-назаридангина эмас, балки уларнинг дунёқараш, тафаккур, сиёсий етуқлиги, ахлоқий баркамоллиги ва жисмоний фаолияти жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш гоят муҳит аҳамият касб этади.

Наргиза ДЎСУМҲАМЕДОВА

диган ота-она, мураббий деган номни оқлай олмаган мактаб ўқитувчиси-ю, шундай ҳодисанинг олдини олиш вазифаси юклатилган ЙХХ ходимига, ҳаммининг кечириб бўлмас айби бор, деб ўйлаймиз.

Мана, Сихат-саломатлик йили ҳам бошланиб, кишли-қировли кунлар ҳам ўтиб бормоқда. Истардики ушбу йилда ҳаммамизни ташвишга солаётган йўл-транспорт ҳодисалари сони камайсин, юртимизда тинчлик, кўчаю йўлларимизда осойишталик, хавфсизлик ҳукмрон бўлсин.

Бунинг учун болаларга йўл ҳаракати қондаларини чуқур ўргатишдан торткиб кўнгилсиз ҳодисаларни келтириб чиқараётган омишларга-ҳайдовчиларни маст ҳолатда ёки шимиллиб автоуловни бошқаришлари, айрим бойвачча ота-оналарнинг ҳали воғга етмаган ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган фарзандларига автоулов калитини бериб қўйишларига қарши курашишда ҳамкорлик қилишимиз керак.

**Илхом РАҲМОНОВ,**  
Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ  
Тарғибот ва ташвиқот бўлими  
катта инспектори.

Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўтганлиб доно бўлур...**

● Насихат қабул қилмаган кишига насихат қилмоқ ўз қадрини синдирмоқдир. Очкўз кишини очкўзликдан кутқариш учун уринмоқ ўз вақтини беҳуда йўқотмоқдир. Жаҳонда тараққий қилмоқни ихтиёр қилган кишилар иши одобга яқин бўлмоқ, ёмонлик қилишдан қочмоқ, яхши дўстларга суянмоқ ва ҳамсухбат бўлмоқдир.

- **Яхшилик қилишга бўлмаса имкон, Ёмонлик қилмагин, қайтар ўзингга.**
- Кўполликни ташлаб, лутфингни кўрсат,**
- Токи тўп тушмагай соғлом кўзингга.**
- Бировнинг гийбатин қилмагин асло,**
- Ночорлик боқмагай нурли юзингга.**
- Ҳар кимга юмшоқ сўз гапиролмасанг,**
- Захар кўшмай гапир хар бир сўзингга.**

● **ҲИҚМАТ:** Ҳақимларнинг ҳикматларидан келтирилишича, ёлғизликдан кўра қийинроқ меҳнат йўқ. Бирок ёлғизлик ёмон улфатдан яхшироқдир.

- Байт:
- Ёлғизликдан оғир ганж йўқ жаҳонда,**
- Ундан бадтар нима, биласанми ҳеч?**
- Ёмон улфат билан яшамок эрур,**
- Бундай кишилардан узоқ юру кеч!**

● Саҳий ва олижаноб кишилар билан суҳбатдош бўлмоқ кишини ёқимли феъл ва чиройли хислатларга рағбат қилади. Ёмон феълли ва фасод табиати кишилар билан бўлган суҳбат эса ёқимсиз сифат ва қабиҳ иллатларга етаклайди. Ёмонлар билан ахшилар орасидаги суҳбат таъсири худди шамол кабидир. Шамол ёмон жойдан ўтиб қолса, бадбўй хидларни бошлаб келади. Агар ширин хидли жойлардан ўтса, муаттар исларни келтиради.

- Байт:
- Ҳар кимнинг бор экан танида жони,**
- Ким билан сўзлашса, бўлар таъсири.**
- Ёмонлик бўлмаса кишининг афёоли,**
- Доим яхши билан хуш суҳбат курар.**

● Оқирчилик ва гамгинликда қурилган оқил суҳбат боз ва ишратда ўтказилган жохил суҳбатидан афзалдир.

- Суҳбат учун топсанг доно кишини,**
- Ёмонларни яқин йўлатма зинҳор.**
- Дуога ёққан фақир доно суҳбати,**
- Нодон бойдан кўра яхшидир минг бор!**

— Алоқа институти сифатида 1955 йил 1 июлда ташкил этилган бу олий ўқув юртида Ватанимиз истиклолга эришган, улкан ўзгаришлар ўз берди. 2002 йилнинг 30 майида мамлакатимиз Президентини Ислол Каримовнинг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Тошкент электротехника алоқа институти Тошкент Ахборот технологиялари университетига айлантирилди. Мамлакатимизда дастурий махсулотлар ишлаб чиқиш, уяли алоқа технологиялари, кўчма радиотелефон алоқаси, электрон тижорат ва ахборот хавфсизлиги соҳасида мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлаш тизими сифат жиҳатидан янги босқинга кўтарилди.

Бугунги кунда университетда информатика ва ахборот технологиялари, телекоммуникация, радиоэлектроника ва телекўрсатувлар, ахборот хавфсизлиги, электрон тижорат, почта хизмати, менежмент, соҳа иқтисодиёти, касбий таълим ва бошқа йўналишларда ўқитиш икки босқинда — бакалаврият ва магистратура бўйича олиб борилмоқда. Кундуги ва сиртки бўлимларда 4350 нафар талаба тахсил олмақда.

Университетда ҳукумат қарорини бажариш борасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги иштироки ҳамда кўмағида олий ўқув юртининг илм-фан ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ютуқларини ёритиш, ахборот-коммуникация тармоғини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган давлат сийосати моҳитини кенг тушунириш бўйича ташкилий-тарғибот тадбирлари мажмуи ишлаб чиқилди.

Бу борадаги режани шакллантиришда Президент Ислол Каримовнинг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, шунингдек, Ўртабшқимнинг Олий Мақсис Кунучилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси дастуриламал

бўлди.

Мамлакатимиз раҳбари ўз маърузасида замонавий рақамли ахборот технологияларини амалиётга жадал таъбиқ этиш зарурлигини яна бир бор таъкидлади. Интернет асрида бу технологиялар ҳаётимизга янада чуқур кириб келмоқда ва эндиликда нафақат ахборот-коммуникация, балки иқтисодиёт, маданият ва илм-фаннинг бошқа соҳалари учун ҳам бундай кадрлар тайёрлаш янада муҳим аҳамият касб этаётди. Шу боис университетимиз янги

мультимедияли махсулот, виртуал лаборатория стенди, шунингдек, «Жонажон университетим: тарих, бугун ва келажак» мавзусида, «Факултетнинг энг яхши талабаси», «Факултетнинг энг яхши ўқувчиси», «Энг яхши мураббий» номинациялари бўйича ўтказилажак танловлардан умидимиз катта.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон мудофасаига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти билан

лар тармоқларини кенгайтиришга ёрдам берамиз.

Келгусида аҳолининг компьютер саводхонлигини ошириш бўйича телевизион ўқув курсларини ташкил этиш режалаштирилган. Шунга айтиш керакки, «Ешлар», «Пойтахт» телеканалларида бешта ана шундай телекўрсатув намойиш этилди ва яна ўн бешта кўрсатув режалаштирилган.

Мамлакатимизнинг таниқли олимлари, маданият ва санъат арбоблари билан талабалар ўқув-ишлари ташкил этилди. Тошкент / борот технологиялари университети 50 йиллигига бағишланган махсус нашрлар, китоблар, буклетлар, маркалар, конвертлар, отқиткалар ва плакатлар чоп этиш кўзда тутилган.

Бу борада амалга оширилаётган тадбирларда университет ўқув-моддий базасини такомиллаштириш, энг янги ўқитиш усуллари ва технологиялари билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, республика илмий-таълим муассасалари электрон кутубхоналарининг ахборот ресурслари ва маълумот базаси билан аламутиш ва фойдаланиш мақсадида университетнинг махсус интеграцияланган компьютер тармоғи ташкил этилади.

Ез охирида университет лабораториялари замонавий рақамли телекоммуникация ускуналари билан жиҳозланади. Электрон кутубхоналар янги авлод компьютер техникаси билан таъминланади. Янги электрон дарсликлар ва виртуал лаборатория стендлари пайдо бўлади. Интернетга улашиш имкониятлари кенгайтирилади.

Бундан ташқари, ўқув ва лаборатория бинолари, талабалар ётоқхоналарини капитал таъмирлаш мўлжалланмоқда. Янги ўқув лабораторияси корпуси қурилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжати тайёрланмоқда.

Кўриб турганингиздек, режаларимиз катта ва уларнинг тўла амалга ошишига ишончимиз комил. Зеро, мўлжалларимизнинг ҳаммаси ҳаётий ва аниқ ташкилий-молиявий асосга эга.

**ЎЗА МУХБИРИ В.НИКОЛАЕВ СУХБАТЛАШДИ**

**Тошкент Ахборот технологиялари университетининг 50 йиллиги олдидан ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН**

Тошкент Ахборот технологиялари университети бу йил ўзининг 50 йиллигини нишонлайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси университетнинг мамлакатимизда илм-фан ва миллий таълимни ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, ёшларни тарбиялаш ишига қўшаётган салмоқли хиссасини ҳисобга олиб, 2005 йилда ушбу олий ўқув юртининг 50 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

ЎЗА МУХБИРИ Тошкент Ахборот технологиялари университети биринчи проректори, техника фанлари доктори, профессор Неъматилла МУМИНОВ билан олий ўқув юртида мазкур санани нишонлашга қўрилаётган тайёргарлик ишлари хусусида суҳбатлашди.

малакали мутахассислар тайёрлаш, соҳа фанини ривожлантириш, балки ахборот-коммуникация технологияларини тарғиб қилиш, жорий этиш ҳамда тарқатишда фаол иштирок этишни ўз вазифаси деб билади.

Шу маънода, биз юбилей муносабати билан кўзда тутилган тадбирлардан кенг фойдаланмоқчимиз. Масалан, жорий йил давомида ахборот технологиялари ва алоқани ривожлантиришнинг долзарб муаммоларига бағишланган халқаро ва республика илмий-амалий конференциялари, ўқувчилар ҳамда талабалар ўртасида дастурият бўйича чемпионатлар ўтказиш режалаштирилган.

Ўқувчилар ва талабалар ўртасида энг яхши дастурий ишланма,

ҳамкорликда шу йилнинг май-август ойларида «Заковат», «Интеллектуал-кўнгличор йўиллар, мактаб ўқувчиларини жалб қилган ҳолда радио йўналишини аниқлаш бўйича «Тулқи ови» республика мусобақалари ўтказилади.

Кўзда эса талабаларимизнинг ишланмалари билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этиладиган республика таълим муассасаларининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ютуқлари кўргазмасида иштирок этамиз. Ўқувчиларнинг техник ижодиёти марказларига радиотўғарак

**Тадбиркорларга қўлайлик**

**ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИГА ҲИССАСИНИ ҚЎШАДИ**

Ахборотга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ўсиб бораётгани натижасида юзага келган Интернет тармоғи бизнинг юртимизда ҳам фаолият юритаётган ҳар бир корхона, ташкилот, қолаверса яқка тартибдаги шахслар иш жараёнига жадаллик билан кириб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Республика Савдо-саноати палатасининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси қошида очилган «INFOLINE BUSINESS» масъулияти чекланган жамияти пойтахтимизда фаолият юритаётган ишбилармонлар ва тадбиркорлар учун чет эллик ҳамкорлар билан алоқани бошлаш, шунингдек, улар учун керакли ахборотни олиш базасини яратиш мақсадида Интернетнинг WEB саҳифасида расмий WWW.itrpuz сайтини очди.

— Сайт саҳифасига маълумотлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида бериб борилади, — дейди маркетинг бўйича директор ўринбосари Анвар Мамидов. — Жамоамиз ташкил топганига қисқа вақт ўтган бўлсада, шу вақт мобайнида 25 миңдан ортиқ корхона ва ташкилотлар биз билан ҳамкорлик қилмоқда. Қувонарли томони шундаки, фаолиятимизнинг дастлабки кунлариданок биз билан Россия, АҚШ, Англия, Германия, Франция, Хитой ва бошқа кўпжа давлатлар ишбилармонлари алоқа қилишди.

Таҳлилларга қараганда, «INFOLINE BUSINESS»нинг расмий сайтига ҳар кун дунёнинг турли мамлакатларидан 200-250 нафар фойдаланувчилар қираётгани қайд этилмоқда. Жумладан, ўзбекистонлик тадбиркорлар фаолияти билан қизикаётганларнинг деярли 60 фоизи — Россияга тўғри келади. Буни эса бугунги кунда фақат пойтахтимизнинг ўзида 30 миңга яқин кичик бизнес субъектлари мунтазам иш олиб бораётгани билан ҳам ифодалаш мумкин. Ўз навбатида, авваломбор иқти-

содий ва умуман инвестицион имкониятларимиз ва шароитларимиздан том маънода ҳали кўпчилик бохабар эмас, деган фикр туғилиши ўринли ва бу борада бир нечта шаҳар тузилмалари муассислигида ташкил топган янги Интернет хизматининг хиссаси салмоқли бўлиши турган гап. «INFOLINE BUSINESS»нинг сайтига кириб, қизиқтирган маълумотни олиш билан бирга тегишли жавоб қайтариш имконияти мавжуддир.

— Албатта, хизматларимиз бепул эмас. Ахборот базамиздан ўрин олиш учун мижозларимиз бир йилга муайян маблаг тўлашлари керак бўлади, — таъкидлаб ўтди Анвар Мамидов. — Бу дегани шу давр мобайнида бизга аъзо бўлган ҳар бир корхона ёки ташкилотнинг номи, ташкил топган санаси, хизмати ёки ишлаб чиқарилаётган махсулотлар турлари, фаолият юритаётган ходимлари сони, бўш ўринлари, бир сўз билан айтганда барча рекузитлари билан сайтимиз орқали танишиш бориш имконияти мавжуд бўлади. Бундан ташқари, тадбиркорларга оид тегишли маълумотлар, янгиликлар, қонун ва қарорлар ҳам шу сайтга жамланади. Мижозларимиз талабига мувофиқ реклама ҳам жойлаштираемиз. Яна бир аҳамиятга молик нарса: сайтимиз орқали манфаатдорлар савдо қилиш имкониятига ҳам эгадир. Шунингдек, таъсисчиларимиз «Sharq Telekom» ёпиқ акциядорлик жамияти ва «AVAREK» масъулияти чекланган жамиятлари билан биргаликда мижозларимизга компьютер савдоси масаласида



тегишли Интернет тизимига улашиши ҳам ёрдам берамиз...

Юқори технологиялар асрида инсонларнинг, айниқса ахборотга бўлган эҳтиёжи ошиб бораётганини ривожлантиришни бугунги кундаги талаблардан бири дейиш тўғрисида. Ишончимиз комилки, «INFOLINE BUSINESS» масъулияти чекланган жамияти ана шу эҳтиёжни қисман бўлсада қондира олиши, дунё кўзгусида юртимизда ишлаб чиқарилаётган товарларини кўрсатиб бериши билан бирга мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ҳам маълум маънода юксалтиришига ўз хиссасини қўшади.

**ШАҲЛО ҲОШИМОВА.** СУРАТДА: жамиятнинг маркетинг ишлари бўйича директор ўринбосари Анвар Мамидов ва менежер Жамолдин Бердибеков иш устида. Ҳақимжон Солихов олган суратлар.

## Ажиб дунё

ТУРЛИ  
КИЁФАДАГИ  
ОДАМЛАР

Қадим замонлардан хайвонларга ўхшаш кўринишга эга кўплаб одамлар маълум бўлган. Ўрта аср Европасида «одам-хайвонлар» иблислар билан алоқада айбланиб, қамок жазосига ҳукм этилганлар. XVIII-XX асрларда эса бундай аномалияларга муносабат биров ўзгарган эди: хайвон киёфасидаги бадбашара одамлар савдо ярмаркаси ва циркларда томоша кўрсатиб, бир вақтнинг ўзида фуқароларда нафрат ва қизиқиш туйғусини уйғотган...

Табиятда камёб касаллик — нейрофиброматоз мавжуд. Мазкур касаллик билан оғриган беморларнинг териси ниҳоятда кўпол ва қалин бўлиши аниқланган. Бу дардга асримизнинг 30-йилларида фаройиботлар театрида қатнашган Агнесса С.Шмидт, шунингдек, 1904 йили Венада туғилган ва Америка бўйлаб гастролларда юрган Сюзи хоним мубтало эди. Афишаларда Сюзи хоним аёл-гипопотам сифатида реклама қилинган.

1862 йили Буюк Британияда таваллуд топган «одам-фил» Жон Меррик янада машҳур эди. 1884 йили лондонлик шифокор Фредерик Тревеза томонидан фаройиботлар театрида топилган Меррик 1886 йили шифохонага жойлаштирилди ва у ерда 27 ёшгача, яъни вафот этгунигача қадар яшди.

Минон хоним «аёл-пингвин» сифатида ном қозонган. Унинг кўриниши минглаб одамларни қизиқтирарди. Одатда томоша пайтида у пингвинга ўхшаш музнинг катта бўлаги устида ўрмалаб юрган, денгиз хайвонига кўпроқ ўхшаш учун эса қора либос кийган. Минон хонимнинг кўлларида панжалари бўлмаган, товони эса сонидан ўсиб чиққан.

«Одам-сирена»лар жуда кам учрайдиган аномалиялардан бири. Улар оёқлари бир-бирига боғланган ҳолда туғилишади. Бундай «оёқ» ичида биттадан сон суяги бўлади. «Оёқ» эса сузгични эслатувчи ўн бармоқли товон билан тугаган. Ҳар иккала оёқнинг бирлашуви ҳаёт учун зарур айрим аъзоларнинг атрофияга учрашига олиб келган, шунинг учун бу мавжудотлар узок яшамаганлар.

Америкалик Белла Картер 1896 йили Берлиндаги Паноптикумда шов-шув уйғотди. Курраклари орасида қалин, ярим метрли ўсма бор эди. Уни томошабинларга кўрсатган Белла отга ўхшаш кишнарди. «Аёл-от» шухратига 1876 йили Янги Орлеанда туғилган Виолетта хоним ҳам сазовор эди. Унинг тизза косачалари тиззасининг қарама-қарши томонидан жойлашган, шу боис бўғинлари тескари томонга қайрилганди.

Кироллик олий табақасига мансуб Малгожата хоним XV асрнинг энг бой ва бадбашара аёлларидан бири бўлиб, шу сабабли у «аёл-ит» лақабини олган. Льюис Кэрролл бу аёл кўринишидан ўзининг «Алиса мўъжизалар мамлакатига» эртагидаги ёвуз киролича образини яратишда фойдаланди. 12 ёшидаёқ Малгожата турмушга чиқди, бироқ, эри ёш, аммо бадбашара рафикасига бевафолик қила бошлагач, ҳаётдан кўнгли совиган аёл ибодатхонага бориб, умрининг охиригача кунларини ўша ерда ўтказган.

## ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» телеканали,  
Тошкент Давлат цирки ҳамкорликда  
7 МАРТ соат 18:30 да

«СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?» деб номланган Наврўз байрам дастурини тақдим этади.  
Дастурда Ўзбекистон халқ артистлари  
НУРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ  
МАЪМУРЖОН ТЎХТАСИНОВ  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар  
МАВЛУДА АСАЛХЎЖАЕВА  
ИЛҲОМ ЖЎРАЕВ  
АБДУЛҲАЙ КАРИМОВ  
ШУҲРАТ ҚАЮМОВ

АВАЗБЕК ОЛИМОВ  
СОБИРЖОН МҮМИНОВ  
Хонандалар  
ШУҲРАТ ДАВЛАТОВ  
УМИДА МИРҲАМИДОВА  
ШАҲЛО РУСТАМОВА  
ДИЛНОЗА ИСМИЯМИНОВА  
ХУРШИДА ЗУННУНОВА ва бошқа таниқли санъаткорлар, сўз усталари, аскиячилар иштирок этадилар.  
Дастурни Ўзбекистон телевидениеси дикторлари олиб боришади.

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» телеканали,  
Тошкент Давлат цирки ҳамкорликда  
8 март соат 14:00 да

«СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?» деб номланган Наврўз байрам дастурини тақдим этади.  
Дастурда Ўзбекистон халқ артистлари  
ОРТИҚ ОТАЖОНОВ  
БОБОМУРОД ҲАМДАМОВ  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар  
ОҒАБЕК СОБИРОВ  
СУЛТОНПОШША ЎДАЕВА  
РАВШАН МАТЁҚУБОВ

Хонандалар  
УЛУҒБЕК ОТАЖОНОВ  
ҲУЛКАР АБДУЛЛАЕВА  
АНВАР СОБИРОВ  
ЖАҲОНГИР ОТАЖОНОВ  
САНАМЖОН ОТАЕВА  
ХУРШИДА ЗУННУНОВА ва бошқа таниқли санъаткорлар иштирок этадилар.  
Дастурни Ўзбекистон телевидениеси дикторлари олиб боришади.

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» телеканали,  
Тошкент Давлат цирки ҳамкорликда  
8 март соат 18:30 да

«СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?» деб номланган Наврўз байрам дастурини тақдим этади.  
Дастурда Ўзбекистон халқ артисти  
НАСИБА АБДУЛЛАЕВА  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар  
ГИЁС БОЙТОВ  
РАШИД ХОЛИҚОВ («ШАҲЗОД» ГУРУҲИ)  
Хонандалар  
ОЗОДБЕК НАЗАРБЕКОВ  
ДИЛДОРА НИЁЗОВА

АНВАР САНАЕВ  
ИРОДА ИСКАНДАРОВА  
ОТАБЕК МАДРАҲИМОВ  
МАНЗУРА  
ЁДГОР МИРЗАЖОНОВ  
ХУРШИДА ЗУННУНОВА ва бошқа таниқли санъаткорлар, сўз усталари, аскиячилар иштирок этадилар.  
Дастурни Ўзбекистон телевидениеси дикторлари олиб боришади.

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» телеканали,  
Тошкент Давлат цирки ҳамкорликда  
9 март соат 18:30 да

«СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?» деб номланган Наврўз байрам дастурини тақдим этади.  
Дастурда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар  
РАВШАН КОМИЛОВ  
НИЛУФАР РАҲМАТОВА  
ИЛҲОМ ИБРАГИМОВ  
КУМУШ РАЗЗОҚОВА  
АНВАР ФАНИЕВ  
ЛАРИСА МОСКАЛЁВА

Хонандалар  
РУСТАМ МАҲМУДОВ  
ГУЛСАНАМ МАМАЗОЙТОВА  
ШАҲНОЗАБОНУ  
ТОШПЎЛАТ МАТКАРИМОВ  
ХУРШИДА ЗУННУНОВА ва бошқа таниқли санъаткорлар, сўз усталари, аскиячилар иштирок этадилар.  
Дастурни Ўзбекистон телевидениеси дикторлари олиб боришади.

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» телеканали,  
Тошкент Давлат цирки ҳамкорликда  
10 март соат 18:30 да

«СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?» деб номланган Наврўз байрам дастурини тақдим этади.  
Дастурда Ўзбекистон халқ артисти  
ҒУЛОМЖОН ЁҚУБОВ  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар  
ИЛҲОМ ФАРМОНОВ  
СЕВАРА НАЗАРХОН  
АБДУЛАЗИЗ КАРИМ («АСР» ГУРУҲИ)  
ИЗЗАТИЛЛА ИБРОҲИМОВ («ХЎЖА» ГУРУҲИ)

Хонандалар  
САМАНДАР ҲАМРОҚУЛОВ  
САРВАРА ОДИЛХЎЖАЕВА  
АЪЛО РАҲИМОВА  
ЛОЛА ЙЎЛДОШЕВА  
ХУРШИДА ЗУННУНОВА ва бошқа таниқли санъаткорлар, сўз усталари, аскиячилар иштирок этадилар.  
Дастурни Ўзбекистон телевидениеси дикторлари олиб боришади.

Саҳналаштирувчи режиссёр ЗОКИРЖОН ҚАЮМОВ.

Эфир сифатини таъминлаш мақсадида ЖОНЛИ ИЖРО ва ФОНОГРАММАдан фойдаланилади.

Дастур «Ўзбекистон» телеканали орқали 21-22 МАРТ кунлари намойиш этилади.

Чипталар «Цирк» кассаларида сотилмоқда.

Маълумот учун телефонлар: 144-29-04, 144-32-23, 144-35-91

Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

*Футбол*

**РАҚИБЛАР ҚАНДАЙ ҲАҚИҚАТГА ҲАМ ОРТАДА ҚОЛДИ. САРАЛАШ ТУРНИРИ ИККИНЧИ БОСҚИЧ ҲАҚИҚАТГА ҲАМ ОРТАДА ҚОЛДИ.**

Нихоят, миллионлаб футбол мухлислари озиқиб кутган жаҳон чемпионатига саралаш турнири иккинчи bosqich учрашувларининг дастлабки баҳслари ҳам ортада қолди. Саралаш турнирининг «А» гуруҳида иштирок этаётган мамлакатимиз терма жамоаси дастлабки учрашувда Саудия Арабистони чарм тўп усталарига қарши майдонга тушиб 1:1 ҳисобидаги дуранг натижани қайд этгани ҳаммага маълум.

Хўш, ушбу гуруҳдаги Жанубий Корея — Кувейт терма жамоалари баҳси қандай яқунланди? Мутахассислару мухлислар башорат қилишганидек, гуруҳда жаҳон чемпионатида чиқишга асосий даъвогар ҳисобланаётган Жанубий Корея терма жамоаси футболчилари ушбу учрашувда рақибларига nisbatan кучли ўйин намойиш этишди. Хуллас, ҳужумкор руҳда майдонга тушган мезбонлар 2:0 ҳисобидаги муҳим галабани қўлга киритишди. Тўпларни дарвозага Ли Донг Гун ва Ли Ёнг Полар 23, 81-дақиқада варада йўллашди. Шунингдек, «В» гуруҳидаги Япония-КХДР терма жамоалари беллашуви 2:1 ҳисобида яқунланган бўлса, Баҳрайн-Эрон терма жамоалари учрашувни 0:0 ҳисобида ниҳоясига етказишди.

Шундай қилиб ҳозирча «А» гуруҳида Жанубий Корея, «В» гуруҳида Япония терма жамоалари уч очко билан карвонбошилиқ қилишмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси ва Акмал Икромов туман маданият ва спорт ишлари бўлими Ўзбекистон халқ артисти

**Ориф АЛИМАХСУМОВНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва барча яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси компания капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи Абдуҳаким Юсуповга онаси

**ҚУТПИ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Қишнинг аёзли ва қорли кунлари атрофга ажиб бир сокинлик ва улугворлик бахш этиб турибди. Ольга Сургутанова ва Алексей Безручко олган суратлар.

Ҳар сафар пойтахтимиз бўйлаб ҳаракатланаётган жамоат транспорти воситалари катновидидаги камчилик ва нуқсонлар, йўловчиларнинг ўрилли эътирозлари ҳақида сўз очилганда, болалигимда ўқиган бир эртақдаги мақол ёдимга тушади. «Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг...» деган нақл бежиз айтилмаган.

*Аттиқ, аммо отиқ ган*

**АМАЛИЙ ЧОРАЛАР ҚЎЛЛАШ КЕРАК**

Эрта тонгдан ишга отланганимда, бекат томон хотиржам йўл олишни унутиб қўйганман. Илгари троллейбусдан фойдаланган кезларда қишнинг совуқ кунлари ушбу транспорт воситаси ўз «қора-сини кўрсатмай қўйган бўлса, ҳозирда ушбу ҳолатни энг хавфсиз ва экологик тоза ҳисобланган транспорт воситаси — трамвайда ҳам қузатиш эҳтимолдан холи эмас.

Жорий йилнинг 26-27 январь, ёнғингарчилик бўлган кунлари Мирзо Улуғбек туманидаги Белоножко — Қодирова кўчаларида жойлашган бекатларда турган йўловчилар, шу

жумладан мен «Феруза» кинотеатри бекатида трамвайни 20-25 дақиқагача кутишга ва бошқа чора топа олмаган, такси хизматидан фойдаланишга мажбур бўлдим. 8 февраль кунини эса анча кутган 13-трамвай куюк туман орасидан кўринганида хайрият-эй, дедим. Уртача тезлик билан ҳаракатланганда 18-20 дақиқада босиб ўтди. Бунинг сабаби бор, албатта. Йўловчилар трамвай салони тўлган бўлишига қарамасдан, бир амаллаб миниб олишга ҳаракат қилдилар ва бунга эришдилар ҳам. Ушбу трамвай барча бекатларда

ўзининг эшикларини зўрга-зўрга очиб-ёпиб борар эди. Ҳаттоки, бир бекатда ёш болани қисиб қолди. Ким ишга ёки ўқишга кечикиб боришни истайди дейсиз?

Бундай ҳолатлар транспорт корхоналари ишчи ходимлари йўғилишида, оммавий ахборот воситаларида кўп мартаба муҳокама қилинган ва танқидга учрагани сир эмас. Тўғри, «Буюк Ипак йўли» метро бекати олдида йўловчи тўплаб туриш одати анча-мунча йўқолди. Лекин касал бошқа ерда ўз асоратини сақлаб қолган. Бу, айниқса совуқ кунларда йўловчиларнинг асабига тегиб, эътирозларига сабаб бўлмоқда. Яхшиямки, «Татра» русумли трамвайлар сифати ва қулайлиги жиҳатдан анча мукамал ишланган экан, бир неча йилдан бери хизмат қилиб келмоқда.

Тан олиш керакки, соҳа маданияти яхшиланмас экан, жамоат транспорти таркибини янгилашдан наф йўқ. Бу ҳақда бот-бот гапиргандан зарур амалий чоралар қўлланилиши керак. Соҳа мутасаддилари бу борада қандай муносабатда эканлар?

Баҳодир АЗИЗОВ

*Мунажжим башорати*

**ҲОЙДАЛИ ХАРИДЛАР КУНИ 15 февраль, сешанба**

**Ой Бузоқ буржида бўлиб, бу кун ёқимли ва фойдали харидлар ҳамда тақдирнинг бошқа тортиқлари кунидир.**

Келажақ эшикларини очувчи кун, янги кенгликларга, янги поғоналарга чиқиш, уйғониш, олдинга интилиш учун энг яхши кунлардан бири. Бугун ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, интеллектуал меҳнат, манتيқий масалаларни ечиш билан шуғулланиш учун қулай келади.

Шошқалоқлик, ғийбатлардан қочинг, бесабаб хатти-ҳаракатлардан тийилинг. Бирон нарса хусусида ваъда берманг. Пухта ўйлаб, режа билан иш тутинг. Шу кунини сўзининг аҳамияти катта бўлади. Шунинг учун сўзлашаётганда нутқингизга эътибор қилинг.

Қурғоқчил, гиёҳсиз ерлардан камроқ юриб, кинна, кўз тегишидан ўзингизни асранг ва ҳимоя этинг. Соч-тирноқ олдириш мумкин эмас. Мабодо, шу кунини уйдаги соат тўхтаб қолса — бу хатоликларга йўл қўйиш эҳтимолидан огоҳлантиришдир. Ойинани синдириб қўйиш ҳам нохушлиқ аломати. Лекин пичоқни ерга тушириб юбориш ёки ялтироқ буюмни топиб олиш эса — омадингиз юришишига ишора.

Тушингизда олов, балиқ, қалит ёки китоб кўрсангиз, улар ҳаётингиз

гиз яхши томонга ўзгаришидан дарак беради. Шу тунги тушлар одатда тез унгидан келади.

Томоқ, бўйин, нафас йўллари бирмунча заифлашиб, хасталикларга мойил бўлади. Бугун қулқонни тешиб бўлмайдми. Хайвон гўшти, ёғидан тайёрланган таомлар, товуқ гўшти ва туҳумдан ўзингизни тортиганингиз маъқул. Чунки улар тана аъзоларингизга зарар келтириши мумкин.

Либослардан ок, хаворанг ва настарин гули ранглари кийганингиз маъқул. Қулранг, қора ва жигарранг кийимларни бошқа бир вақтга олиб қўйинг.

Бу кун:  
— бошлаб қўйган ишингизни давом эттириш;  
— сипо ва ҳушмуомала бўлиш;  
— кўчатларни қўчириб ўтқазиш, уларни суғориш, ўсимликларни озиклантириш;

— фойдали ва ёқимли харидлар қилиш, бунда ўз дидингизга суяниб иш қўришингизни тавсия этамиз.

Ташаббускорликни намоён этиш, ортиқча журъатликка йўл қўйиш, катта жисмоний кучни талаб қиладиган ишлар билан машғул бўлиш, ўт билан, санчадиган ва кесадиған буюмлар билан эътиборсиз муносабатда бўлишни амлашарк бермаймиз.

**ТУРФА ОЛАМ**

**РИМ.** 2005 йил 10 январдан янги қонунга кўра Италиянинг барча жамоат жойларида тамаки чекиш тақиқланади. «Трениitalia» давлат компанияси раҳбарияти 10 январни кутиб ўтирмади. 12 декабрдан Италия темир йўлларида янги қонун тўлақонли қўлга кирди. Шу вақтга қадар Италиянинг темир йўлларида, темир йўл вокзалларида тамаки чекиш мумкин эди. Эндиликда поездлар ва темир йўл вокзалларида тамаки чекиш қатийан ман этилади. Қонунбузарларга энди жазима солинади. Жазима миқдори етти еврони ташкил қилади.

**ЛОНДОН.** 2006 йилдан бошлаб Буюк Британиянинг машҳур уни-

верситетларидан бири «Оксфорд» да таҳсил олишни талабалар ўйлаб кўрадиган бўлиши. Чунки улар таҳсил олиш учун йилига 27 миң фунт стерлинг маблағ тўлашлари керак. Университет раҳбарияти билим олиш учун тўланадиган пулнинг ошерилиши билан бирга стипендия миқдори ҳам оширилиши кўзда тутилганлигини аъён қилди. Шунга қўшимча қилиб кам таъминланган оилалар фарзандларига, иқтисодий болаларга стипендия миқдори 10 миң фунт стерлинггача берилишини таъкидлаб ўтишди. Бу «имтиёзга» университетнинг йилга атиги 3 фоиз битирувчилари эга бўлишлари мумкин.

Жаҳонгир ДОЛИЕВ



Изоҳга ҳожат йўқ. Абдурашул-Улқимов чизган расм.



**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39;  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳақими — 2 бома тибкоқ офсет узунлида босилади.  
3009 нускада босилди. Қоғоз бирими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқиди. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-03 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.